

**МИРЗАЕВ ДИЛШОД АМИНОВИЧ**

**АХБОРОТ-БОШҚАРУВЧИ ТИЗИМЛАР ДАСТУРИЙ**  
**ТАЪМИНОТИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ИШОНЧЛИЛИГИНИ**  
**БАҲОЛАШНИНГ МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.04 - Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг**  
**математик ва дастурий таъминоти**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Мирзаев Дилшод Аминович**

Ахборот-бошқарувчи тизимлар дастурий таъминотининг  
функционал ишончлилигини баҳолашнинг моделлари ва алгоритмлари ..... 3

**Мирзаев Дилшод Аминович**

Модели и алгоритмы оценки функциональной надёжности  
программного обеспечения информационно-управляющих систем..... 21

**Mirzaev Dilshod Aminovich**

Models and algorithms of assessment of functional reability  
of information management systems' software ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИРЗАЕВ ДИЛШОД АМИНОВИЧ**

**АХБОРОТ-БОШҚАРУВЧИ ТИЗИМЛАР ДАСТУРИЙ**  
**ТАЪМИНОТИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ИШОНЧЛИЛИГИНИ**  
**БАҲОЛАШНИНГ МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.04 - Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютар тармоқларининг**  
**математик ва дастурий таъминоти**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т352 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва "Ziyounet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гулямов Шухрат Манапович  
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зайнидинов Хакимжон Насриддинович  
техника фанлари доктори, профессор

Хакимов Муфтох Хамидович  
техника фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузурдаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 Илмий кенгашнинг 2019 йил "06" март соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2541 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил "10" феврал да тарқатилди.  
(2019 йил "15" да даги 2 рақамли реестр баёниномаси).



Р.Х.Хамдамов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралiev  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

Х.Н.Зайнидинов  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги вақтда рақамли технологиялар ва муҳитларнинг яратилиши дастурий таъминотларга, айниқса, ахборот-бошқарувчи тизимларнинг дастурий таъминотига бўлган талабнинг ортиши, дастурий таъминотларнинг сифат даражасидан функционалликка ҳамда ишончилигига оид илмий-амалий масалаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, маълумотларнинг норавшанлиги ва хатолиги шароитида, хавфларнинг мавжудлиги ва мураккаб тизимлар ҳаёт циклининг барча погоналарида вақтнинг етишмаслиги, ҳисоблаш техникасида самарали қўллашда масалаларнинг янги даражаларини ечиш, сунъий интеллект воситалари ва усуллари ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида, хусусан Швейцария, АҚШ, Германия, Франция, Япония каби давлатларда ишлаб чиқариш тизими ва воситаларини автоматлаштиришни қўллаш билан ахборот-бошқарув тизимларини ривожлантириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда ахборот-бошқарувчи тизимларнинг ривожланиши саноат бошқарув тизимларининг ҳаёт циклини ахборотли қўллаб-қувватлашга, мураккаб техник ва технологик бошқарув объектларининг ишлаш сифатини талаб даражасида таъминловчи ишончли дастурий таъминотни ва усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, истиқболли ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқувчиларининг олдида турган янги принципларнинг (оптоэлектроника, юқори ҳароратдаги ўта ўтказувчанлик, биокристаллар ва бошқалар) архитектураларини ишлаб чиқиш, машиналарнинг юқори ишончилиги ва яшовчанлигини таъминлаш, таркибий қисмлари чекланган ишончилиikka эга бўлган ҳисоблаш машиналарида масалаларни ишончли ечилиш усуллари яратиш, сунъий интеллект элементларини юқори ишончли тизим дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, катта ўлчамликдаги масалаларни ечишда маълумотларни киритиш ва чиқариш янги усуллари ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда давлат дастурлари доирасида идоралараро ва идоравий ахборот тизимларини, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларини ва ахборот коммуникация соҳасида дастурий таъминотнинг ишончилигини оширишга қаратилган кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, “ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, ... дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай ташкилий, технологик ва иқтисодий шароитлар яратиш, ... иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланган.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, маълумотларни узатиш, қайта ишлаш ва сақлашнинг янги йўлларини ҳамда маҳаллий ахборот-бошқарувчи тизимлар рақобатдошлигини ошириш ва дастурий таъминотнинг юқори ишончлилигини халқаро даражада таъминлашни амалга киритиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни (2015), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот коммуникация тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялари ривожланишининг IV. “Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот-бошқарувчи тизимларнинг замонавий дастурий таъминоти сифатини аниқловчи муҳим омил бўлиб, унинг ишлаш ишончилиги ҳисобланади. Ахборот-бошқарувчи тизимлар дастурий таъминотининг ишончилигини ошириш муаммоларини тадқиқ этишда ҳамда ахборотли хизматларини ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш вазифаларига У.Хамфри, Ф.Брукса, Ф.Кратчена, М.Полка, М.Мюллера, С.Кана, Т.Фелмана ва каби хорижий олимларнинг тадқиқотлари бағишланган. Дастурий мажмуаларнинг ишончилиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ илмий – техник муаммоларни ечишда Г.С.Осипов, Э.В.Попов, Н.Г.Ярушкіна, Э.Деминг, Д.Ишикова, Д.Ҷуран, А.У.Шухарт, В.В.Липаев, Е.Г.Семёнова, В.Б.Тарасов, А.Г.Варжапетян, Э.Нессер, Т.Тейер, В.Л.Стефанюкларнинг ҳисоблаш машиналари дастурий таъминотининг сифатини бошқаришда энг ажойиб, деб тан олинган ишлари билан салмоқли ҳисса қўшишди. Хорижий олимлар билан бир қаторда маҳаллий олимларимиздан Ф.Б.Абуталиев, М.М.Камилов, Н.Р.Юсупбеков, Т.Ф.Бекмуратов, Х.З.Игамбердиев, М.М.Мусаев, С.С.Касымов, А.Р.Марахимов, Р.Н.Усманов, Д.Т.Мухаммадиева, Ф.Т.Адилова, М.А.Рахматуллаев, А.А.Қадилов, М.А.Исмаилов, М.М.Арипов, Ф.Т.Адилов ва бошқалар катта ҳисса қўшишди.

Диссертацияда кўриб чиқилаётган муаммолар бўйича тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳисоблаш тармоқлари, тизимлари ва мажмуалари дастурий таъминотининг ишончилиги масалалар етарли даражада тўлиқ кўриб чиқилмаганлиги, баҳолашнинг замонавий таҳлилий воситалардан

фойдаланишнинг зарурати ва ҳисоблаш машиналарининг дастурий таъминоти сифатини бошқариш ҳамда уни лойиҳалаш ва эксплуатация қилишда дастурий мажмуалар ҳаёт циклини сақлаб туриш, амалга ошириш жараёнларининг паст натижавийликка олиб келадиган реал мавжуд бўлган самарадорликни таъминловчи усуллар билан жиддий қарама-қаршилик тўлик бартараф этилмаганлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда таҳлил шуни кўрсатадики, ахборот-бошқарувчи тизимлар дастурий таъминотининг ишлаш ишончилиги ва сифатини ошириш масалалари маҳаллий ва хорижий ишларда талаб этилаётган функционал имкониятлар, самарадорлик, тез ҳаракатлилик, натижавийликнинг мезонлари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А5-060-“Булутли ҳисоблашлар (“Электрон ҳукумат” тизими элементларининг ривожланиши мисолида) инфратузилмасида тармоқ хизматларини тақдим этиш механизмлари ва моделлари” (2015-2017), №Ф-4-56-“Норавшан – кўплик тасаввурлар асосида мураккаб технологик объектларни бошқариш интеллектуал тизимлари структура – параметрик таҳлилининг усуллари ва назарий асосларини ишлаб чиқиш” (2012-2016) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот-бошқарувчи тизимлар дастурий таъминотининг функционал ишончилигини таъминлаш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

дастурий мажмуалар ишлашини оптималлаштирувчи норавшан мантик аппаратини такомиллаштириш;

функционал рад этиш пайдо бўлиш режимида дастурий таъминот ишлашининг лингвистик сабаб-оқибат моделини ишлаб чиқиш;

функционал рад этиш пайдо бўлишида ишончлилик кўрсаткичини аниқловчи дастурий таъминот яратиш;

турли ҳолатлар умумий сони бўйича дастурий таъминот ишончилигини баҳолайдиган алгоритмни такомиллаштириш;

тах-мин композицияда норавшан математика амалларни бажариш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборот-бошқарув тизимларининг дастурий таъминоти олинган.

Тадқиқотнинг предмети ахборот-бошқарувчи тизимлар дастурий таъминоти ишончилигини моделлаш ва тадқиқ қилиш алгоритмларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил қоидалари ва усуллари, техник тизимларнинг ишончлилик назарияси, сунъий интеллект назарияси усуллари, норавшан кўпхад ва лингвистик ўзгарувчанлар назарияси, қарор қабул қилишнинг дастурий инженерияси ва

назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

норавшан чекланган автомат ишлаш жараёни асосида функционал рад этиш пайдо бўлиш режимида дастурий таъминот ишлашининг лингвистик сабаб-оқибат модели ишлаб чиқилган;

тах-тiп композициянинг икки босқичли матрицали жараён кўринишида иккита норавшан сонлар устида арифметик амални бажаришга йўл кўювчи, норавшан математика амалларини бажариш алгоритми ишлаб чиқилган;

норавшан-тўплам мулоҳазалари ва норавшан мантиқ аппарати дастурий мажмуалар ишлашини оптималлаш ҳамда мослигини моделлаш орқали такомиллаштирилган;

ҳисоблаш машиналари дастурий таъминотининг ишончилигини баҳолаш алгоритми “турли ҳолатлар умумий сони – функционал рад этишлар сони” ўзаро нисбатини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

функционал рад этиш пайдо бўлишида мавжуд сабаб-оқибат алоқаларни инобатга олиш асосида ишончилик кўрсаткичини аниқлашга имкон берувчи дастурий таъминот яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ахборот-бошқарув тизимлари дастурий таъминоти ишлаш жараёнини норавшан чекланган автомат кўринишида тасаввур қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

тадқиқ этилаётган жараёни янада мосликни акс этувчи ва имитацияловчи сценарийни ташкил этадиган лингвистик сабаб-оқибат модели асосида дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги мавжуд ахборот-бошқарув тизимлари дастурий таъминотининг сифати ва ишончилигини баҳолашнинг амалий кўникмалари ҳамда назарий таҳлил натижаларини қўллаш орқали, сунъий интеллект, норавшан кўпхадлар назарияси, лингвистик ўзгарувчанлар, юмшоқ ҳисоблашлар, математик ва ўхшаш моделлаш, кўп даражали оптималлаштириш усулларидан қатъий ва ўз ўрнида фойдаланиш орқали ҳамда таклиф этилган модел ва алгоритмларнинг апробацияси бўйича ҳисоблаш тажрибалари билан диссертация ишининг предметли соҳасида илмий ишларни таҳлилий кўриб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборот-бошқарув тизимлари дастурий таъминотининг сифати ва ишончилигини баҳолашни амалга оширишга имконият берувчи, таклиф этилган моделлар ва алгоритмлардан иборат. Таклиф этилган ёндашув дастурий таъминот ҳаёт циклининг барча босқичларида замонавийлаштириш ва эксплуатация қилишда, қуриш самарадорлигини оширишга қаратилган моделлар ва алгоритмларни ишлаб чиқишнинг илмий-техник (амалий) асослари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти имитацияли



моделлаштириш натижалари нафақат синовдан ўтказилаётган унсурларни, балки бутун дастурий мажмуани тўлиқлигича ишлашининг ишончлилиги ва сифатини баҳолашга, шунингдек тадқиқ этилаётган объектларни эксплуатация қилишдаги каби ишлаб чиқиш босқичларида пайдо бўладиган дастурий рад этишларни ҳисобга олиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ахборот-бошқарув тизимлари дастурий таъминотининг функционал ишончлилигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган моделлар, алгоритмлар ва дастурий восита асосида:

ахборот-коммуникация технологияларининг дастурий таъминотида функционал рад этиш пайдо бўлиши жараёнида мавжуд сабаб-оқибат алоқаларни инobatта олиш асосида ахборот-бошқарувчи тизимлар дастурий таъминотининг ишончлилигини баҳолаш моделлари ва алгоритмлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш марказида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 26 октябрда-ги 33-8/8020-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида дастурий тизим ишлашининг ҳар бир такрорланиши 1 мс вақт ичида давом этган алгоритм учун тўғри танилган буйруқлар 87%ни ташкил этган;

ҳисоблаш машиналари дастурий таъминотининг ишончлилигини баҳолаш алгоритмини “турли ҳолатлар умумий сони – функционал рад этишлар сони” ўзаро нисбатини аниқлаш орқали дастурий мажмуаларнинг автоматлаштирилган тестлашини интеллектуал қўллаб-қувватлаш воситалари ҳамда усуллари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошидаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш марказида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 26 октябрдаги 33-8/8020-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида хатоликларни башоратлаш масалаларини ечишда бутун тизим 96% буйруқларни тўғри таниш имконини берган;

ахборот-бошқарувчи тизимлар дастурий таъминотининг ишлаш жараёнида норавшан чекланган автомат кўринишида тасаввур қилиш технологияси асосида функционал рад этиш пайдо бўлиш режимида тадқиқ этилаётган дастурий маҳсулот ишлашини имитацияловчи сценарийни ифода этадиган лингвистик сабаб-оқибат модели «Black Rabbit» МЧЖда жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 26 октябрдаги 33-8/8020-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида хатоликларнинг ўтиш эҳтимоллиги 8%га қисқариш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари апробациядан ўтган ҳамда 10 та халқаро ва 5 та республика илмий-техник анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, улардан 4 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр қилинган, шунингдек 2 та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ахборот-бошқарув тизимлари дастурий таъминотининг сифати ва ишончлилигини баҳолаш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати” деб номланган биринчи бобида илмий тадқиқот ва ишланмаларнинг ўта долзарб ҳамда талаб этилган йўналишлари нуқтаи назаридан ҳаракатлантирувчи кучлар кўриб чиқилган. Замонавий ахборот-бошқарувчи тизимлар дастурий таъминотини яратиш ва эксплуатация қилишда ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий усуллари ҳамда воситаларини қўллаш сценарийлари, саноатни автоматлаштиришни ривожланиш тенденциялари аниқланган.

Ҳозирги вақтда ахборот технологияларининг ривожланиши ишончлилик, рад этишга бардошлиликка қўйилган талабларни қайта кўриб чиқиш билан олиб борилади. Маълумотлар объектнинг амалий қиммати самарали ишлашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, улар таркибида қўлланилаётган дастурий таъминотни қутилмаган узилишлардан, шунингдек, маҳсулот ҳаёт циклини унинг барча босқичларида барча маълумотлар кириш тўпламларининг аниқ ва муваффақиятли ишлаши ҳисобланади.

Кўпчилик ахборот-бошқарувчи тизимлар нуқсон ва заифликка эга бўлган, фойдаланувчи маълумотларининг шикастланиши, чиқиб кетиши ва бузилишини ўз ичига олувчи импорт дастурий маҳсулот бошқарувида ишлаши мумкин. Дастурий таъминот сифати ва ишончлилигини баҳолаш соҳасининг янги ечимларига бағишланган тадқиқот ва ишланмалар, ахборот технологиялари ривожланишида долзарб ҳамда замон талаблари билан зарурати мавжуддир.

Диссертациянинг “Ахборот-бошқарув тизимлари дастурий таъминотининг ишончлилигини баҳолаш моделлари ва алгоритмлари” деб номланган иккинчи бобида ҳисоблаш тизимларининг ишончли ва рад этишларга бардошли дастурий таъминот яратиш услубиёти ифодаланган. Дастурий маҳсулотнинг ишончлилигини ҳаёт циклида унинг ҳар бир қадамида амалга ошириладиган таҳлили ҳамда баҳолашда маъқул ва аниқ натижаларни таъминлаш учун тажрибадан қатъий назар имкон қадар кўпроқ маълумотлардан фойдаланиш ўта муҳим.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда дастурий таъминот ишончлилигини баҳолаш учун амалиётда кўпгина текширилган, бироқ жиддий камчиликларга эга бўлган модель ва алгоритмлар мавжуд бўлсада, ягона ёндашув, услуб ва кўрсаткичлар мавжуд эмас. Тадқиқ этилаётган жараённинг кўпбосқичлилигини ҳисобга олган ҳолда, ахборот-бошқарувчи тизимларининг ишончли ва рад этишларга бардошли дастурий таъминотини яратишнинг мавжуд усулларини тизимлаштириш ҳамда бир хилликка келтириш мақсадга мувофиқ ва эҳтиёжи бор. Тўхталинаётган муаммонинг счнимига ягона ёндашув йўқлиги шароитларида, дастурий маҳсулотлар яратувчилари, яратишнинг ҳар бир босқичида дастурлар ишончлилигини кетма-кет баҳолашнинг янада тўғри услубини таъминлашга ҳаракат қилади. Ушбу ҳолатда асосий мураккаблик етарли даражадаги кириш тўпламларининг йўқлиги ва диққат билан ёзиш зарурати ҳамда ишончлиликни ҳисоблашнинг талаб этилган батафсил текшириш даражалари билан хатоларни аниқлаш динамикасини қайта ишлашдан иборат. Ҳаттоки унча мураккаб бўлмаган дастурлар учун маълумотларини қайта ишлашнинг барча алоқаларини аниқлаш реал эмас. Шу сабабли дастурий модулар ишончлилигини батафсил текшириб ҳисоблаш, ўзаро таъсир этувчи дастурий шаклланиш билан чекланиши лозим.

Ишда ахборот-бошқарувчи тизимларнинг ишончли, рад этишларга бардошли дастурий таъминотини яратиш учун моделлари ва усулларнинг таҳлили бажарилган. Уларнинг бутун ҳаёт цикли доирасида дастурий маҳсулотлар ва архитектура жиҳатдан яратишнинг кўп босқичлилигини инобатга олувчи юқори ишончли дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ҳамда амалга киритиш бўйича мавжуд бўлган концепциялар тизимлаштирилди ва бир шаклга келтирилди. Дастурий таъминот ишончлилигини баҳолашда ишончлиликнинг оптималлашувчи параметрларини ажралиб турувчи аломатлари ва қўлланиладиган қонуний усуллари бўйича мавжуд моделлар, усуллар ва алгоритмларнинг классификациялари тақдим этилган.

Дастурий маҳсулотлар ҳаёт циклининг фазалари бўйича ишончлилик параметрларини баҳолаш моделлари ва усулларининг тақсимланиши таҳлил қилинган. Дастурий маҳсулотларга энг катта ҳисса қўшувчи (архитектура дизайни фазаси, кодлаш фазаси, компонентлар бўйича тестлаш фазаси ва ниҳоят, асли тизим дастурий таъминотининг тестлаш фазаси) дастурий таъминот ҳаёт циклининг энг муҳим фазаларининг таҳлили бажарилган.

Ахборот-бошқарувчи тизимлар дастурий таъминот ишончлилиги

Ўсишни моделлаштириш масалалари кўриб чиқилган ва дастурий таъминотнинг маълумотлар кириш тўплamlари диапазонлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамловчи тестлашнинг операцион йўналиши таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “Ахборот-бошқарув тизимларининг функционал ишончилигини баҳолаш моделлари ва алгоритмларини яратиш” деб номланган учинчи бобда ҳисоблаш тизимларида дастурий таъминоти ишлашининг янги сифат кўрсаткичларини излашни амалга оширса бўладиган йўллари ва бундай кўрсаткичларнинг дастлаб синтезини излашга асос бўлган сабаблар кўрсатилган.

Дастурий таъминот шунчалик мураккаб маҳсулот ҳисобланадики, унинг ишлаш сифатини биттагина скаляр кўрсаткич (масалан, рад этишга ишлаш каби) билан тавсифлаш имкони йўқ. Масаланинг моҳияти шундаки, сифатнинг вектор кўрсаткичини шундай синтезлаш керакки, унда, хусусан рад этишга ишлаш ушбу вектор кўрсаткичининг компонентларидан бири бўлиши керак бўлади.

Ахборот-бошқарувчи тизимларда бажарилаётган функция сифатини аниқловчи дастурий таъминот ҳолати қуйидаги кортеж билан тавсифланади:

$$\langle X_1, X_4, k_y, \Delta_T, T \rangle,$$

бунда  $X_1, X_4$  - маълумотларнинг кириш тўплamlари ва функционал рад этишларнинг норавшан сўнгги тўплamlари, мос равишда муайян тартибдаги қийматлари билан  $\mu_2(x) \rightarrow [0, 1]$  мансублик функцияси,  $k_y = \sim \rightarrow f(X_1, X_4) - X_1, X_4$  дан қандайдир функция;  $\Delta_T$  - кириш ва чиқишни сканерлаш оралиғи;  $T - X_1$  ва  $X_4$  аниқланиш давомидаги вақт.

“Функционал рад этиш” тушунчаси дастурий таъминот сабабли рад этишни янада тўлиқ акс эттиради, негаки оқибати бўлиб, дастурий тизимга қўйилаётган функцияларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги ҳисобланади. Дастурий таъминот ишлаш жараёни сабаб-оқибат алоқалари ва муносабатлари билан мос равишда кўпгина функционал рад этишларга маълумотларнинг кириш тўплamlарида акс этгани каби кўриб чиқилади:

$$\Phi: X_1 \Rightarrow X_4$$

Кўпгина кириш тўплamlари (КТ) тўртта кўпликosti кўринишида тасвирланиши мумкин.  $A$  – дастурий таъминот текширувдан ўтказилгандаги КТ кўплиги;  $B$  – техник топшириқларда олдиндан берилган КТ худуди;  $C$  – маълумотларнинг реал кириш тўплamlари кўплиги;  $D$  – техник топшириққа кирувчи дастурий таъминот текширилгандаги реал КТларнинг кўплиги. Айтиш мумкинки, дастурни бажариш вақтида агар “ $a$ ” ҳолатида рад этиш  $D$  кўпликostiга тегишли КТда, “ $b$ ” - ҳолатида эса  $C$  кўпликostiдан КТда содир бўлса, унда ишончилиқни таққослаб бўлмайди. КТ биринчи ҳолатда <ЖУДА ЭҲТИМОЛ> субъектив (лингвистик) эҳтимоллик билан, иккинчи ҳолатида эса - <КАМ ЭҲТИМОЛЛИ> ёки <ДЕЯРЛИ ЭҲТИМОЛДАН ҲОЛИ> деб таърифланади.

Функционал рад этиш шаклланишида дастурий таъминотнинг мавжуд бўлган сабаб-оқибат алоқаларини ҳисобга олувчи сценарий куйидаги кўринишга эга:  $X_1$ : ностандарт кириш тўплами (НКТ)  $\Rightarrow X_2$ : рад этиш ҳолати (РЭХ)  $\Rightarrow X_3$ : рад этиш ҳолатини функционал рад этиш (ФРЭ)га ўтишни олдини олиш воситаларининг ишлаши  $\Rightarrow X_4$ : функционал рад этиш ёки меъёридаги иш.

Функционал рад этиш ҳосил бўлиш режимда дастурий таъминот ишлашининг мантқий моделини изоҳлаймиз:  $X_1 \Rightarrow X_4$ , бу кириш тўплamlарининг (КТ) функционал рад этишга (ФРЭ) бевосита ўтишини англатади;  $X_1 \Rightarrow X_2 \Rightarrow X_4$  – кириш тўплами  $\Rightarrow$  рад этишли ҳолат  $\Rightarrow$  функционал рад этиш:  $X_1 \Rightarrow X_2 \Rightarrow X_3 \Rightarrow X_4$  – кириш тўплamlари  $\Rightarrow$  рад этишли ҳолат  $\Rightarrow$  рад этишли ҳолатнинг функционал рад этишга (ФРЭ) ўтишини компенсацияловчи воситаларнинг ишлаши  $\Rightarrow$  функционал рад этиш (агар компенсациялаш воситаларининг ишлаши омадсиз бўлса).

Ҳисоблаш жараёнининг у ёки бу тармоқда ривожланиш эҳтимоллигига лингвистик, субъектив ёки аниқ эҳтимолликлар (масалан, агар КТ <ЭҲТИМОЛЛИЛАР> синфига мансуб бўлса, унда жараён оқиб ўтиши  $X_1 \Rightarrow X_4$  <ПАСТ> тармоқ бўйича) қўллаш билан мулоҳазалар тизими орқали таърифланган бўлиши мумкин. Агар <ЭҲТИМОЛЛИ>, <ПАСТ> термлари аниқ сонлар билан алмаштирилса, унда анъанавий статистик хулосаларга келиш мумкин.

Таклиф этилган схеманинг афзаллиги, кириш тўплamlарининг лингвистик эҳтимолликлари (частоталар), рад этишли ҳолатлар, компенсация воситалари ишлаши, функционал рад этишлар ҳисобида турувчи қўшимча маълумотларни олишга имкон беради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳаттоки “кириш-чиқиш” – “кириш тўплamlари  $\Rightarrow$  функционал рад этиш” синфидаги жараёнлар моделининг қурилиши, дастурий таъминот ишончилигини фақат рад этишларнинг сабабини ва уларни келтириб чиқарувчиларни аниқмаслигини ҳисобга олувчи моделларга нисбатан янада объектив моделини олиш имкониятини беради.

Таклиф этилаётган схема асосида дастурий таъминот ишлашининг сифати: <агар  $B \omega_{KT} = \text{det}$  ЮҚОРИ кўпликлардан кириш тўплamlари частотаси ва  $\omega_{ФРЭ} = \text{det}$  КИЧИК  $\omega_{KT}$  функционал рад этишлар частотаси бўлса, унда дастурий таъминот ишлашининг сифати ЮҚОРИ> типидagi мулоҳазалар тизими билан изоҳланади. Бунда < $\omega_{X_i} = \text{КИЧИК}$ , КАТТА, ...ГА ЯҚИН частотаси> типидagi норавшан тасдиқлар  $X_1, X_2, X_3, X_4$  кўпликлар элементлари ўртасида  $R_j$  норавшан муносабатлар қўлланилади, масалан: < $j$ -типидagi  $\omega_{X_i}^{(j)}$  паст кириш тўплamlари частоталар фарқи модули ва  $\omega_{X_i}^{(j)} = \text{КИЧИК}$ , КАТТА “ $f$ ” –типидagi функционали рад этиш> ва х.з.

Норавшан тасдиқлашлар ва норавшан муносабатлар умумий ҳолда норавшан кўпликлар кўринишида ифодаланади:

$$\omega_{x_j} = \bigcup_i \omega_{x_j}^{(i)} / \mu_{\omega_{x_j}}^{(i)}, \quad j=1,2, \dots$$

бунда  $\omega_{x_j}^{(0)}$  -  $\omega_{x_j}$  параметрининг, масалан  $\langle \omega_{x_j} = \text{КИЧИК} \rangle$  норавшан тасдиқ билан изоҳланувчи частоталар синфига тааллуқли эхтимолоий қийматлар;  $\mu_{\omega_{x_j}}^{(0)} - \mu_{\omega_{x_j}}^{(0)}(x) \rightarrow [0,1]$  кўрсатилган синфга тааллуқли  $\omega_{x_j}^{(0)}$  қиймат билан эхтимоллик (субъектив, лингвистик) ёки имкониятлари даражасини аниқловчи тааллуқлилиқ функцияси.

Сценарий асосида  $\langle \text{ЮҚОРИ, ЎРТА, ПАСТ} \rangle$  (ёки ҳар қандай бошқа бирлашма билан) сингари баҳоланувчи, ишлаш сифатини аниқловчи дастурий таъминот учун мулоҳазалар тизимини шакллантириш мумкин. Ушбу (ёки ҳар қандай бошқа) ҳолатларни эталон сифатида қабул қила туриб, эталон тамойили асосида ишончилиқни баҳолашга имкон берувчилар асосида афзаллик тизимини аниқлаш мумкин.

Дастурий таъминот ишлаш жараёнида кириш тўплами кўпликларининг функционал рад этиш кўпликларга акси сифатида қабул қилинган сабаб-оқибат модели билан мос равишда, яъни  $\Phi : X_1 \Rightarrow X_4$ . Кириш тўплamlари даҳлдорлиги нуқтаи назаридан  $\langle \text{ЎТА ЭХТИМОЛ, ЭХТИМОЛ, КАМ ЭХТИМОЛ, АЙТАРЛИ ЭХТИМОЛДАН ҲОЛИ} \rangle$  ва шунга ўхшаш лингвистик термлар билан таърифланувчи аниқ бир эхтимоллик синфига тааллуқлилиқ функцияси орқали муайян тартибланган. Шунга ўхшаш  $\langle \text{ЎТА ЭХТИМОЛЛИ КТ} \rangle$ ,  $\langle \text{ЭХТИМОЛЛИ} \rangle$  ва бошқаларда жойига эга бўлган рад этишлар кўпликостини ажратиб, кўпгина функционал рад этишларни муайян тартиблаш мумкин. Мос равишда  $X_1$  ва  $X_4$  куйидаги кўринишга эга:

$$X_1 = \bigcup_j X_1^{(j)} / \mu'_1, \quad j=1, 2, \dots; \quad X_4 = \bigcup_j X_4^{(j)} / \mu'_4, \quad j=1, 2, \dots$$

Ҳамонки,  $X_1^{(j)} \in X_1$ ,  $X_4^{(j)} \in X_4$  норавшан ёки лингвистик ўзгарувчилар (ЛЎ) қийматларига  $\mu_{x_1} \in F(X_1), \mu_{x_4} \in F(X_4)$  тааллуқлилиқ функциялари билан норавшан кўпликостини мос келади, унда  $\Phi : F(X_1) \Rightarrow F(X_4)$  кўринишни умумий ҳолатда норавшан деб ҳисоблаш мумкин. У барча функционал рад этишлар ва кириш тўплamlари учун норавшан мослик сифатида олиниши мумкин бўлади:

$$\Phi = \bigcup_{\mu} \mu'_1 \times \mu'_4, \quad \mu_{x_1} \in F(X_1), \mu_{x_4} \in F(X_4)$$

Шундай қилиб,  $x_j \in X_1, j=1, 2, \dots$ , яъни  $\mu_{x_4} = \mu_{x_1} \otimes \Phi \Leftrightarrow x_4 = x_1 * \Phi$  қийматлари норавшан вектори янги тўплamlарида  $x_4 \in X_4$  қийматли норавшан векторни аниқлаш (хулоса қилиш) масаласини кўйиш мумкин.

Мантиқий тузилмага асосланган норавшан тизим модели а) берилган  $x_j, x_4$  “кириш-чиқиш” жуфтлик учун  $x_4 = x_j * \Phi$ ; б) мантиқий тузилмали, масалан, берилаётган  $M_1$  – агар  $X_1$   $\langle \text{ЎЛКАН} \rangle$ ; унда  $x_4$   $\langle \text{КИЧИК} \rangle$ ;  $M_2$  – агар  $x_1$   $\langle \text{ЎЛКАН} \rangle$ , унда  $x_4$   $\langle \text{КИЧИК} \rangle$  моделлари билан қандайдир \* операторли  $\Phi$  тизимли таърифни қўшади.

ФРЭ шаклланишида дастурий таъминот ишлаш жараёни юклатилган вазифалар бажарилмаган ҳолда бундай ҳолатнинг (кириш тўплamlари ва

ички сабаблар таъсирида) ютуғи сифатида кўриб чиқилади. Функционал рад этиш сингари синфлаштирилган чиқиш ҳолатига олиб келувчи қолдик хатолар ва бошқа омиллар юзага чиқади. <ЭХТИМОЛЛИКНИНГ ЮҚОРИ, ЎРТА, КИЧИК> ва шунга ўхшаш типдаги мулохазаларга предметли соҳалари ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, тузатилган эхтимоллик шкаласи [0, 1] солиштирилади.

Дастурий таъминот ишлаш жараёнини қуйидаги кортеж билан таърифланувчи норавшан чекланган автомат ишлаш жараёни кўринишида тасвирлаш мақсадга мувофиқ:

$$A = \langle X_1, S, X_4, S_0, \delta, \delta_1 \rangle$$

бунда  $X_1 = \bigcup_j x_j^{(1)} / \mu_{x_1}^{(1)}$ ,  $j = 1, 2, \dots$  – киришларнинг сўнгги норавшан кўплиги

(кириш тўплами тегишли бўлган кўпликнинг частота синфини аниқловчи тааллуқлилиқ функцияси қиймати билан муайян тартибланган кириш тўплamlари);  $S = \{S_i, i = \overline{1, m}\}$  – функционал рад этишни аниқ келтириб чиқарувчи меъёрий ва “рад этишли” ҳолатларни ичига олувчи ҳолатларнинг сўнгги кўплиги (умумий ҳолда норавшанларнинг);  $X_4 = \bigcup_j x_j^{(4)} / \mu_{x_4}^{(4)}$ ,  $j = 1, 2, \dots$  –

чиқишларнинг (функционал рад этишларнинг) сўнгги кўпликлари, ҳар бир функционал рад этиш ўзининг  $\mu_{x_4}^{(4)}(x) \rightarrow [0, 1]$  “аҳамияти”га эга;  $\mu_{x_4}^{(4)}(x) = 1$  бўлганда тизим қайта юкланади ва аниқ бошланғич (нолли) ҳолатига ўтади;  $\delta: S \times X_1 \times S \rightarrow L$  – чиқишлар функцияси;  $S_0$  – бошланғич ҳолати, умумий ҳолда  $S_0 \in F(S)$ ,  $S_0: S \rightarrow L$ .

Айтайлик,  $X_1^*$  – кириш тўплamlари кўплиги;  $\delta: S \times X_1 \times S \rightarrow L$  – ўтишлар функцияси қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$\delta_{S'}(\lambda) = \delta(S, \lambda, S') = \begin{cases} 1 & S' = S \text{ бўлганда,} \\ 0 & S' \neq S \text{ бўлганда.} \end{cases}$$

$$\delta_{S'}(\theta) = \delta(S, \theta, S') = \max \left\{ \min \left[ \delta(S, x_1^{(1)}, S'), \delta(S_1, x_1^{(2)}, S_2) \right], \right. \\ \left. \min \left[ \delta(S_1, x_1^{(2)}, S_2), \delta(S_2, x_1^{(3)}, S_3) \right], \dots, \min \left[ \delta(S_{f-2}, x_1^{(f-1)}, S_{f-1}), \delta(S_{f-1}, x_1^{(f)}, S') \right] \right\}, \\ \theta = \{x_1^{(1)}, x_1^{(f)}\} \subset X_1^*, \theta \neq \lambda.$$

Агар  $T_\theta = T_{x_1^{(1)}} \circ T_{x_1^{(2)}} \circ \dots \circ T_{x_1^{(f)}}$ , ўтишлар матрицаси бўлса, унда кириш кетма-кетлигида норавшан автомат чиқиши  $X_4 \Leftrightarrow \mu_{x_4}(\theta) = S_0 \circ T_\theta \circ \delta_1$  кўринишга эга бўлади. Агар таҳлил норавшан автоматда ягона  $X_4 = \{x_4^*\}$  – функционал рад этиш чиқиши мавжуд бўлган ҳолат билан чегараланиб қўйилса, унда норавшан чиқиш  $\delta_2 = \{\mu_{x_4}^j\}$ ,  $j = \overline{1, f}$ , вектор билан аниқланади, бунда  $\mu_{x_4}^j \notin \delta_2$ ,  $S_j \in S$ ,  $j = 1, 2, \dots$  ва  $x_1^{(f)}$ дан мос равишда ( $x_4$ ) функционал рад этишни олишнинг имконият даражасини кўрсатади.

Норавшан автоматни  $S_F \subset S$  финал ҳолатларни аниқлаган ҳолда янада махсуслаштириш мумкин.

$$\delta_1 = \{\mu_{x_4}^j\}, j = \overline{1, n}, \mu_{x_4}^j = \begin{cases} 1 & S_j \in S_F \text{ бўлганда,} \\ 0 & S_j \notin S_F \text{ бўлганда.} \end{cases}$$

Тизимни қайта юклашга йўл қўйилгандан кейин албатта  $S_0 \in S$  нолли (аник) ҳолатга қайтиш юз беради, яъни

$$\delta_i^0 = \{r_j\}, j = \overline{1, n}; r_j = \begin{cases} 1 & S_j = S_0 \text{ бўлганда,} \\ 0 & S_j \neq S_0 \text{ бўлганда.} \end{cases}$$

чиқиш функциялари қийматлари  $X_4(\theta) \Leftrightarrow \mu_{X_4}(x_1) = \max_{S \in S} \delta_{S,S}(\theta)$ , кўринишида аниқланади, бунда  $\theta = \{x_1^{(1)}, x_1^{(2)}, \dots, x_1^{(m)}\}$ .

Дастурий таъминотнинг ҳолати (ва мос равишда унинг ишлаш сифати)  $T$  вақт оралиғида қуйидаги кортеж билан тавсифланади:

$$S_i = \langle X_i, X_4, T, f(X_4, X_i), \Delta t_{X_i} \rangle$$

бунда  $X_i = \bigcup_j X_i^j / \mu_{X_i}^j$  - сўнгги норавшан чиқиш кўпликлари,  $\mu_{X_i}^j$  - тизим параметрларининг кириш тўпламлари “аҳамияти”,  $\mu_{X_i}^j(x) \rightarrow [0,1]$ ,  $X_i = \bigcup_k X_{i,k}, k = \overline{1, K}$ ;  $K$  - кириш тўпламлари синфлари микдори;  $X_4 = \bigcup_j X_4^j / \mu_{X_4}^j$ ,  $X_4 = \bigcup_p X_{4,p}, p = \overline{1, P}$ ;  $P$  - кириш тўпламлари синфлари микдори,  $\mu_{X_4}^j$  - функционал рад этишлар “аҳамияти”,  $\mu_{X_4}^j(x) \rightarrow [0,1]$ ,  $f(X_4, X_i)$  - тизим ҳолати ҳақида қўшимча маълумот олишга имкон берувчи  $X_4, X_i$ га нисбатан қандайдир функция (умумий ҳолда норавшан).

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики,  $S_i$  кортежида  $f$  функция сифатида қуйидаги муносабатни олиш мақсадга мувофиқ:

$$k_j = \left( \bigcup_j X_{1j} / \mu_{X_1}^j \right) \dot{\vdash} \left( \bigcup_j X_{4j} / \mu_{X_4}^j \right), \quad j = 1, 2, \dots$$

бунда  $\dot{\vdash}$  - норавшан бўлувчи операцияси.

Ушбу муносабат амалда ҳар доим ҳисоблаб чиқилиши мумкин ва уни дастурий таъминот сифатидаги объектив кўрсаткичи сифатида фойдаланса бўлади.  $k_j$  - параметр масалаларни анънавий қўйилишида фойдаланиши мумкин -  $\alpha$  - сатҳда аниқ қийматлар  $X_4$  ва  $X_1$  билан аппроксимация вақтида.  $k_j$  кўрсаткичини ҳисоблаб чиқариш норавшан сонларни (НС) бўлиш операциясини ифодалайди.

Кириш (кириш тўпламлари) бошқарувдаги объектлар сонини (ҳисоблаш тизими) ташкил этади; клавиатурадан киритиш процессорни юклаш ҳисобига олинмаслиги 5 тартибдаги сканерлаш оралиғини танлашга имкон берди. Чиқиш (чиқиш ҳолати) киришдаги ўша вақт онда (ёки яқинида) вазиятнинг ташқаридан пайдо бўлиши каби аниқланади. Бунда чиқиш ҳолатларини баҳолаш учун тизим (протокол) хабарлари сингари қандай фойдаланилган бўлса, худди шундай хабарлар бўлмаганда ходимлар ҳаракати (агар улар зарур бўлган бўлса) ҳам фойдаланади.

Шундай қилиб, “кириш-чиқиш” 26,27  $\Rightarrow$  2,11,16 микдор жуфтликлар олинди. Танланган сканерлаш оралиғи суткада камида 200 ўлчовларни (“кириш-чиқиш” жуфтлиги) олиш имконини берди. МБнинг алоҳида майдонлари: 4, 5, 6, 7, 8 микдор - “вазят даражаси - чиқиш ҳолатининг



эксперт баҳоси, 0.1, 0.3, 0.7, 1.0 босқичларга эга. 1.0 катталиқ бажарилаётган функцияларнинг тўлиқ йўқотилишини англатади. 0,1 – йўқотиш 10% ва шунга ўхшаш. Иккита ҳолат кўриб чиқилаётган эди: модернизациягача тизим ( $C_1$ ) ва модернизациядан кейинги тизим ( $C_2$ ). Ушбу ҳолда ҳисоблашлар ва уларнинг “шаффоф”лигини ихчамлаштириш мақсадида фақатгина 0.01+0.1 дан паст бўлмаган тааллуқлилиқ функцияси “аҳамиятли” учун ўша вазиятлар (“кириш-чиқиш” жуфтлиги) инobatта олинган. Ўлчаш вақти – суткалар; сканерлаш оралиғи – 5 мин.

